

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

760 Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларнинг реализация қилиниши ҳуқуқи учун йиғимни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2907*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ–2699-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 1 февралдаги ПҚ–2750-сон «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **бююрман:**

1. Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларнинг реализация қилиниши ҳуқуқи учун йиғимни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 июль,
104-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 14 июлдаги
104-сон буйруғига
ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш,
шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари томонидан
алкоголли маҳсулотларнинг реализация қилиниши ҳуқуқи
учун йиғимни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ–2699-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 1 февралдаги ПҚ–2750-сон «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларнинг реализация қилиниши ҳуқуқи учун йиғимларни (бундан буён матнда йиғим деб юритилади) тақсимлаш тартибини белгилайди.

1. Йиғимлар Ягона ғазна ҳисобварағига келиб тушади.

2. Тўловчилар йиғимларни тўлаш учун тўлов ҳужжатининг тўлов мақсадида йиғим тури ва мақсади ҳамда ўзи жойлашган ҳудуд учун очилган шахсий ғазна ҳисобварағини кўрсатган ҳолда Ягона ғазна ҳисобварағига ўтказади.

3. Ягона ғазна ҳисобварағига келиб тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот тизимида («ЎРМВ» АТ) қуйидаги тартибда тақсимланади:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маблағларнинг 90 фоизи Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига, 10 фоизи «ягона дарча» марказлари фаолиятини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг шахсий ғазна ҳисобварағига;

Тошкент шаҳрида маблағларининг 80 фоизи Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига, 10 фоизи «ягона дарча» марказлари фаолиятини

30 (790)-сон

— 423 —

760, 762-моддалар

молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг шахсий ҳазна ҳисобварағига ва 10 фоизи Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва истеъмол товарларини ишлаб чиқариш департаментининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

4. Йиғимларнинг тўлиқ ҳажмда келиб тушиши, тўғри тақсимланиши ва тасарруф этувчилар томонидан мақсадли ишлатилиши бўйича назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

5. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.